2016 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 250 (13.313)

Баҳоси эркин нархда

Сайлов – 2016

МДҲ МИССИЯСИ:

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ОЧИҚ РАҚОБАТ РУҲИДА ЎТМОҚДА

Ўзбекистонда сайловолди ташвиқоти даври қонунчиликка амал қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Президентликка номзодларга ўз дастурларини тақдим этиши ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши учун тенг шароитлар яратилган. Умуман олганда, сайлов кампанияси очиқ рақобат руҳида ва юқори ташкилий даражада ўтмоқда.

Бу ҳақда 2016 йил 29 ноябрь куни Тошкентда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси вакиллари томонидан айтиб ўтилди. Миссия аъзолари мамлакатимизда давом этаётган электорал мавсум ҳақидаги хулоса ва баҳоларини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан кузатувнинг бориши ҳақидаги оралиқ ҳисоботида баён қилган. Бунда улар ўз вазифаларини эркин ва мустақил бажараётганини таъкидлади.

Жорий сайлов кампаниясининг барча босқичлари, қонуний асослар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга батафсил тўхталар экан, МДҲ кузатувчилари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишлари уюшқоқлик ва изчиллик билан амалга оширилаётганини қайд этди.

Миссия аъзоларининг фикрича, округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган, фуқаролар босма нашрлар, телерадиоканаллар орқали сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор этиб борилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 1 ноябридан Марказий сайлов комиссиясида кечаю кундуз фаолият юритаётган "ишонч телефони" ва электрон почтага алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон сайлов амалиётида биринчи маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар дастури қабул қилиниб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани кузатувчилар диққатини тортган. Шу мақсадда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Оралиқ ҳисоботда Ўзбекистондаги жамоат ташкилотлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликда амалга ошираётган кенг миқёсли саъй-ҳаракатлар, хусусан, сайловга доир турли ижтимоий акциялар ўзининг ифодасини топган.

Миссия аъзолари билдиришича, Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари янгиликлар ва бошқа турдаги ахборот материалларида номзодларнинг сайловолди фаолиятини ёритиш вақти ва ҳажми бўйича бир хил шароит яратмоқда.

МДҲ кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини 17 ноябрдан бошлаб мониторинг қилмоқда. 10 нафар узоқ муддатли ва 60 нафар қисқа муддатли кузатувчидан иборат таркибдаги Миссияга МДҲ Ижроия кенгаши котиби Сергей Лебедев бошчилик қилаётир.

Сайлов мониторинги жараёнида МДҲ узоқ муддатли кузатувчилари мамлакатимиздаги округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишди, турли ҳудудлардаги 104 та участкада бўлди. Бундан ташқари, 24 ноябрь куни бошланган ва 2 декабрда якунланадиган муддатидан олдин овоз бериш жараёнида ҳам иштирок этмоқда.

Брифингда таъкидланганидек, Миссия ўзининг якуний хулоса ва баҳосини сайлов мониторинги натижалари бўйича якуний ҳужжатида баён этади.

МДҲ кузатувчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Пойтахтимизда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ва "O'zlitineftgaz" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида "Нефть ва газни қайта ишлаш, муқобил ёқилғи" мавзусида илмий-техник конференция ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимиз нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари ходимлари, олимлар, мутахассислар, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари У.Сайидов, "O'zlitineftgaz" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Д.Ҳақбердиев ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан ёқилғи-энергетика комплексини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш асосида энергетика мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифалардан бири сифатида белгиланганини таъкидлади. Ушбу муҳим вазифани ҳал этиш учун нефть-газ комплексини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлаш ҳажмини ошириш, юқори қўшимча қийматга эга импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб изчил амалга оширилмоқда.

Конференцияда Ўзбекистонда газни қайта ишлаш ва газ-кимё соҳасининг бугунги ҳолати ҳамда истиқболда ривожлантириш, углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан маърузалар тингланди. Биогаз, биоэтанол ва электр энергияси олиш бўйича янги технологиялар намойиш этилди. Нефтни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босадиган турли материаллар ишлаб чиқариш ва нефть-газ соҳасига замонавий технологияларни жорий қилиш имкониятлари тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди.

– Бугунги кунда дунёда полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш ҳажми барча полимер маҳсулотларнинг ярмини ташкил этади, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот марказининг етакчи илмий ходими, профессор В.Кудишкин. – Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудида юқори, паст ва ўртача қалинликдаги полиэтилен ишлаб чиқарадиган бир қанча газ-кимё комплекслари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мамлакатимиз корхоналарининг ушбу хомашёга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, сифатли ва арзон товарлар ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бу нефть ва газни қайта ишлашни янада такомиллаштириш ва шу асосда миллий саноатимиз учун юқори сифатли ҳамда технологик хомашё олиш имкониятини яратмоқда.

Илмий-техник конференцияда соҳа мутахассислари ўзаро тажриба ва фикр алмашди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда "Камолот" ЁИҲ Сурхондарё вилояти кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси ҳамкорлигида "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзуида ёшлар форуми ташкил этилди. Форумда миллий сайлов қонунчилигимиз, уларга киритилган сўнгги ўзгартириш ва қўшимчалар, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилишида бевосита ҳамда вакиллари орқали иштирок этишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти хусусида фикр алмашилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги академик лицейда "Конституция – бахтимиз қомуси" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Бундай учрашув Элликқалъа санъат ва педагогика коллежида ҳам ўтказилди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида иштирок этган қизлар адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини намойиш этди. Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Бухорода уй бекалари ва 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасида "Гимнастика барча учун" спорт фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда "Энг яхши композиция", "Энг яхши саралланган гимнастика элементлари", "Энг яхши образ", "Энг яхши динамика", "Энг яхши хореография" каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирланди.

● Нукусда ўтказилган "Энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси" танловида 100 нафар истеъдодли ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг Bouygues холдинги бўлинмаси Wattway 18 ғилдиракли юк машинасининг вазнини кўтара олувчи қуёш батареялари панелини ишлаб чиқарди. Улар йўл қопламаси сифатида ўрнатилмоқда. Беш йиллик тадқиқот ва лаборатория синовларидан сўнг компания 100 та очиқ синов полигонини қуриб, технологияни 2018 йилда сотувга чиқармоқчи. Wattway панелларнинг чидамлилиги учун бир неча турдаги пластмассадан фойдаланмоқда. Электр симлар тармоғи йўлга жойлаштирилади. Конструкциянинг ойнадан яратилиши сирғанишнинг олдини олади.

● Хитойнинг Космик дастур канцеляцияси раҳбари Ван Чжаояо юк космик кемасининг илк парвози 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида амалга оширилишини маълум қилди. Ҳозирда "Тяньчжоу-1" космик кемасини йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу кема станцияга ёқилғи, илмий-тадқиқот ускунаси, заҳира қисмлари ва бошқа керакли жиҳозларни етказиб беришга мўлжалланган.

● Япония пойтахтида Токио шаҳри маъмурияти ва марказий ҳукумат вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилишда 2020 йилда уюштириладиган ёзги Олимпиада бюджетининг илгари белгиланганидек 3 триллион иен (29,5 миллиард доллар) бўлмасдан балки тахминан 2 триллион иен (18,2 миллиард АҚШ доллари) гача қисқартирилиши маълум қилинди.

Сўз – халқаро кузатувчиларга

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ – ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари юртимизнинг турли ҳудудларида бўлиб, сайловга тайёргарлик жараёни билан танишмоқда.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси Евгений КОЗЯК ўз таассуротларини ЎзА мухбирига сўзлаб берди:

– Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоятлари сайлов округлари ва сайлов участкаларида олиб борилган ишлар билан танишдик. Барча сайлов округлари, участкалари Президент сайловини ўтказишга тайёр. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар, комиссия аъзолари, хорижлик кузатувчиларнинг эҳтиёжлари инобатга олиниб, керакли жиҳозлар билан таъминланган. Она ва болалар учун алоҳида хоналарнинг мавжудлиги, овоз бериш жараёнлари кўрсатилган ахборот материалларининг тайёрлиги ҳам эътиборимизни тортди.

Наманган шаҳрида округ сайлов комиссияси раҳбарлари, ташкилотчилари ва аъзолари иштирокидаги семинарда ҳам қатнашдик. Овоз бериш қонун-қоидалари мутасадди ходимлар томонидан тушунтирилди. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнини кузатдик, рўйхатда келтирилган сайловчилар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашдик, улар ўзи муносиб деб билган номзодни яширин овоз бериш йўли билан танлади. Хоразмда ҳам шундай бўлди. Умуман олганда, Ўзбекистонда сайлов тадбирлари юксак даражада ташкиллаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолининг ҳар бир қатлами эътиборга олинган қонун ва қарорлар қабул қилинган. Ногиронлар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши масаласига ҳам муносиб ечим топилган. Ҳар бир сайлов участкаси ногиронларнинг аравачалари бемалол бинога кириши учун алоҳида пандуслар билан жиҳозланган. Кабиналардан бири ногиронларнинг овоз бериши учун ажратилган. Кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов бюллетенларининг тарқатилиши ҳар бир фуқаронинг ўзи, ҳеч кимнинг ёрдамисиз овоз бериши имконини бермоқда. Буларнинг барчаси имконияти чекланган шахсларнинг ижтимоий ва сиёсий фаолиятга тўлақонли жалб этилганидан далолатдир.

С.АЛИЖОНОВА
ёзиб олди.

"ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ СОҒЛОМ РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН КУРАШ МУҲИТИДА ЎТМОҚДА"

Ўзбекистонда Президент сайловлари яқинлашгани сари сайлов тизимини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз қўлга киритган муваффақиятлар хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ўртасида кенг муҳокама этилмоқда.

Эни ФАЛЕОМАВАЕГА, собиқ конгрессмен, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Халқаро муносабатлар қўмитасининг Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилиш кичик қўмитаси раиси:

– Бугун Ўзбекистон муҳим воқеа – Президент сайлови арафасида турибди. 26 йилдан зиёдроқ давр мобайнида АҚШ Конгресси аъзоси сифатидаги фаолиятим давомида дунёнинг кўпгина шаҳарларига боришга муваффақ бўлганман. Бу борадаги сўнгги расмий ташрифим тарихий шаҳар – Самарқандга бўлган эди.

Республикангиз кенг қамровли сиёсий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Хусусан, сиёсий партиялардан мамлакат Президентлигига номзодларни илгари суриш учун зарур бўладиган имзолар сонини 5 фоиздан 1 фоизга камайтириш тўғрисидаги қарор юқори баҳога лойиқдир.

Шунингдек, мен Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг сайловда қатнашиш учун халқаро кузатувчиларни таклиф этиш тўғрисидаги қарорини ҳам қўллайман. Бу Ўзбекистоннинг сайловни очиқлик ва шаффофлик муҳитида ўтказишга тайёргарлигини ҳамда уни умум қабул қилинган демократик сайлов меъёрлари асосида ташкил этишга бўлган содиқлигини намоён қилади.

(Давоми 2-бетда)

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдизлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган ҳолда, халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида қабул қилинган бўлиб, республикамизда амалга оширилаётган барча изчил ислоҳотларнинг ҳуқуқий пойдеворига айланди.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Хақиқатдан ҳам Конституциямиз бугунги кунда юртимизда мустақил, суверен демократик давлат барпо этиш, кўп укладли бозор иқтисодиёти таркибида хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш ва унинг ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият хисобланган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий ҳуқуқий ва қонунчилик асосига айланди.

Конституция ва унинг асосида яратилган қонунчилик базаси, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, 2011 ва 2014 йилларда Конституциямизга киритилган тузатишлар жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва туб таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш бўйича пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган, дунёда тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб тан олинган дастур асосини ташкил этади.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий ҳужжат сифатида қарайди.

Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.

Конституция шарофати билан бугун юртдошларимиз ўз қадр-қиммати, орномуси ва ғурурини ҳамда "Менинг манфаатларим ва ҳуқуқларим кафолатланган" деган туйғуни теран англаб етди, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг қонуний манфаатлардан самарали фойдаланиши учун кенг имконият яратилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар бевосита Конституциямиз ғоялари асосида шакллантирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) бу борада самарали иш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини бошқариш ва назорат қилишнинг янги самарали миллий механизмларини яратиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ва унинг минтақавий вакилларининг диққат марказида бўлиб турибди. Шуни таъкидлаш лозимки, аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги қадриятлар ва демократик кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш ғоят муҳимдир.

2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги тузилиб, мазкур муассасанинг мақсад ва вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Пировардида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан вакилликнинг самарали ишлаши учун зарур шароит яратилди, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлганини айтиш зарур. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари билан эса инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги зиммасига шаҳримизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъсирчан воситалар асосида ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари, умуман, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини оширишдек эзгу вазифалар юклатилди.

Ўтган 12 йил мобайнида Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги ходимлари ана шу вазифалардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш йўналишида самарали фаолият юритиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг кўрсатма ва тавсияларини тўлиқ бажаришда, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими, Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакили ўрталарида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги меморандум, режа ва битимлар имзоланган бўлиб, минтақавий вакиллик шуларга асосан иш олиб бормоқда. Асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилганидек, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини кафолатлаш орқали фуқароларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган эзгу ишларда мунтазам иштирок этишдир.

Зеро, юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шундан иборатдир. Конституциянинг қабул қилинишига мустақиллик йилларида фуқароларимизнинг мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятига, ҳар бир фуқаронинг тақдирига таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашуви кузатилмоқда.

Фуқароларимизнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдалана билиши, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

Бунга далилни Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги ташкил топгандан бери олиб борилаётган ишлар мисолида кўришимиз мумкин. Шу ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги 3144 тадан ортиқ мурожаатлари кўриб чиқилди. Шу жумладан, 1245 та мурожаат почта орқали, ундан 1139 та мурожаат Омбудсман котибиятидан олинган. 1899 та мурожаат эса минтақавий вакиллик ходимларининг шахсий қабулига тўғри келади, шундан 1317 тасига оғзаки тавсия, тушунтириш ва маслаҳатлар берилган, 50 дан ортиқ мурожаатга ишонч телефони орқали жавоб қайтарилган. Фуқароларнинг 1549 та мурожаати назоратга олиниб, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда атрофлича ва пухта ўрганилиб, шулардан: 437 таси ижобий ҳал этилган, 767 тасига тушунтириш ҳамда тавсия мазмунидаги жавоб хатлари, 345 тасига эса иш бўйича мутахассис хулосалари берилган.

Истиқлол даврида эришган энг катта ютиқларимиздан бири Конституциямиз туфайли халқимизнинг сиёсий ва фуқаролик савияси етуклашгани, юртдошларимиз ўз ҳаёти, ўз келажагини умумэътироф этилган демократик қадриятлар асосида қураётганликларида намоён бўлмоқда.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, бугунги кунга келиб Бош Қомусимиз ҳар бир фуқаромиз қалбан ва вужудан эъзозловчи муқаддас ҳуқуқий қадриятга, умид, ишоч ва эзгу ниятлар қўрғонига айланган.

Шунинг учун ҳам Конституциямиздан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча ғурурлансак, уни ҳар қанча ўрганиб, тарғиб қилсак арзийди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик Конституцияси – тарихий аҳамияти беқиёс бўлган ҳужжатдир. У барчамиз учун асосий мезон бўлиши, унинг қоидалари ҳаётимизнинг асосий қонуни ва мақсадларига айланиши даркор.

Шомурод МУҲАМЕДЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакили

Сайлов – 2016

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўришга оид жараёнлар билан таништириш мақсадида пойтахтимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларидаги сайловларда илк бор қатнашадиган ёшлар иштирокида давра суҳбати ўтказди.

САЙЛОВДА ЁШЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАДИ

Ёшлар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда фаол қатнашмоқда. Буни жорий йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнида ҳам кузатиш мумкин.

Давра суҳбатида йигит-қизлар миллий сайлов тизимини демократлаштириш, сайловни очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтказишга қаратилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан таништирилди. Иштирокчиларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, сайлов қонунчилигига сўнгги йилларда киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида маълумот берилди.

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу сиёсий тадбирда Тошкент юридик коллежи ўқувчиси Насиба Абдуллаева ҳам илк марта қатнашади.

– Бу йил мен биринчи марта Президент сайловида қатнашаман, – дейди ЎзА мухбирига Насиба. – Бу мен учун жуда ҳаяжонли. Ватанимиз тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшадиган номзодни сайлаш учун ўз муносабатимни билдираман. Зеро, сайловда ўзим танлаган номзодга овоз беришим мамлакатимиз тақдири, ҳаётимиз фаровонлигига овоз бериш эканини дилдан ҳис қилмоқдаман.

Тадбирда Президент сайловида фаол иштирок этиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи экани, мамлакатимизда ўз мустақил фикри ва ҳаётий позициясига таянган ҳолда муносиб номзодга овоз бериш қонун билан кафолатлангани таъкидланди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

Ш.МАМАТУРОПОВА

"ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЖАРАЁНИ СОҒЛОМ РАҚОБАТГА АСОСЛАНГАН КУРАШ МУҲИТИДА ЎТМОҚДА"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вели ЮКСЕЛЬ, Бельгия Вакиллар палатаси депутати:

– Ўзбекистон сайлов тизимининг такомиллашуви республикада амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг натижаси ҳисобланади. Улар давлат сиёсий тизими шаклланиши ва ривожланишида фуқаролик жамияти вакилларининг фаол иштирокини кўзда тутади.

Олдинда турган сайлов ҳақида фикр юритилар экан, Марказий сайлов комиссияси сайловни ташкил этиш ва уни юқори даражада ўтказилиши учун барча зарур чора-тадбирни кўрганлигини таъкидлаш жоиз. Ишончим комилки, ўзбек халқи аҳоли фаровонлиги ва мамлакат равнақи йўлида астойдил ишлайдиган, шунингдек, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни чуқурлаштиришни давом эттирадиган муносиб етакчини сайлайди.

Шу ўринда Ўзбекистон Белгиянинг яқин шерикларидан бири эканлигини қайд этишни истар эдим. Биз Марказий Осиёда хавфсизлик ва фаровонлик таъминланишида мамлакатингиз энг муҳим ўринни тутишда давом этишига умид қиламиз, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда самарали ҳамкорлигимизни давом эттириш ниятидамиз. Шубҳа йўққи, бизнинг яқин ҳамкорлигимиз бундан кейин янада мустаҳкамланади.

Профессор Астрид ЧЕРНИ, мустақил эксперт (Германия):

– Мен Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарликнинг боришини диққат билан кузатиб келмоқдаман. Республикада барпо қилинган сайлов тизими фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифодалашини, сайлов жараёни очиқ-ошкоралигини кафолатлайди ва у халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик тамойилларига жавоб беради. Шу билан бирга, мамлакат илғор халқаро тажрибани ҳар томонлама ҳисобга олганини ҳам таъкидлаш зарур.

Республикада фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, овоз беришнинг барча жиҳати, шунингдек, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида аҳолини хабардор қилиш юзасидан изчил ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганимда, бунга тўла ишонч ҳосил қилганман.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, шу жумладан, сайлов жараёнида ёшларнинг фаол қатнашиши алоҳида эътиборга моликдир. Чунки фаол фуқаролик нуқтаи назари ҳамда юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ёшлар мамлакат электоратининг салмоқли қисмини ташкил этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқига олдинда турган сайловни муваффақиятли ўтказишини тилайман. Бундан ташқари, тобора яқинлашиб келаётган қутлуғ сана – Конституция куни муносабати билан ҳам ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллайман. Ишончим комилки, Ўзбекистон бундан кейин ҳам кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш тамойилларига содиқ қолади.

Товфик АББАСОВ, Боку халқаро мультикультуризм маркази Медиа департаменти директори (Озарбайжон):

– Ўзбекистондаги тўртта сиёсий партия ҳам Президентлик лавозимига ўз номзодини илгари сургани алоҳида эътиборга сазовордир. Сайлов жараёни очиқлик, адолатли рақобат муҳитида ўтмоқда.

Мустақил ривожланиш йиллари давомида республикада тинчлик ва барқарорлик таъминланди, интеллектуал салоҳият сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишим ва бутун сайлов жараёни бўйича холис баҳо беришим мумкинлигидан жуда мамнунман.

Абдураҳмон ал-ХАМИСИ, Миср Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Миср – Ўзбекистон" дўстлик жамияти фаоли:

– 2014 йили парламент сайловлари мониторингида қатнашиш учун Ўзбекистонга биринчи маротаба келишга муяссар бўлдим. Ўшанда ўзбек халқининг оқкўнгиллиги, меҳмондўстлиги ҳамда маърифат ва маданияти даражаси юқори эканлиги менда катта таассурот қолдирган эди. Мамлакатда сиёсий партия ва ҳаракатлар ўрни мустаҳкамланиши жараёнида фуқаролар фаоллик кўрсатаётгани, айниқса, эътиборга молик.

Президент сайлови мониторингида иштирок этиш Миср делегациясига мамлакатингиз сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, сайлов тизими ишчанлиги, барча номзод учун тенг ҳуқуқлилик тамойилини таъминлаш ва ОАВ ўрнини ошириш юзасидан тўпланган тажрибаси билан яқиндан танишиш учун яхши имконият яратади.

Ўзбекистон сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари, миллий менталитет ҳисобга олинган ҳолда ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибаси асосида шаклланган.

Масалан, мамлакатингиз Конституциясига мувофиқ, фуқаролар давлат ва жамият ишларининг бошқарилишида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказилиши ва давлат органларининг демократик шакллантирилиши ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш воситасида амалга оширилади. Шу ўринда фуқаролик жамиятининг эътиборга молик субъектларидан бири бўлган маҳалла институтининг аҳамиятини қайд этишни истардим. Чунки фуқаролар йиғинлари том маънода, адолатлилик кафолати бўлиб, аҳоли эҳтиёжларига холисона баҳо беришда ҳам айни муддаодир.

"Жаҳон" АА

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2016 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДАГИ "ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТУМАНЛАРИДА КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРИНЛАР СОНИ, СОТИЛАДИГАН ТОВАРЛАР РЎЙХАТИ ВА КЎЧМА САВДО ДАВРИ КЎРСАТИЛГАН КЎЧМА САВДО ОБЪЕКТЛАРИ ЖОЙЛАШИШИ СХЕМАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА"ГИ 965-СОНЛИ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) 25-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги "Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 339-модда) 233-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 6-204/14-сон хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 26 октябрдаги "Тошкент шаҳри туманларида кўчма савдо объектларининг ўринлар сони, сотиладиган товарлар рўйхати ва кўчма савдо даври кўрсатилган кўчма савдо объектлари жойлашиши схемаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 965-сонли қарорининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради."

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Н.Хусанов), туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (М.Пардаев), Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (Р.Умаров), Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (С.Мухторхужаев):

Тошкент шаҳрининг туманлар ҳудудида жойлаштирилган кўчма савдо объектларида фаолият олиб бориш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши таъминлансин.

Тумандаги "Ягона дарча" марказлари, тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар ўзларининг идоравий хужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н.Хусанов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2016 йил 25 ноябрь

ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАР

Хитой Халқ Республикасининг Чэнду шаҳрида бўлиб ўтган "Western China International Fair 2016" халқаро ярмаркасида 98 мамлакатдан 60 мингдан зиёд қатнашчи қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, мебель, қурилиш маҳсулотлари, ҳунармандлик ва қўл меҳнати буюмларини тақдим этди. Ўзбекистон тадбиркорларининг маҳсулотлари барчанинг эътиборини тортди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 8 августдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Тадбиркорларнинг чет мамлакатларда ўтказилаётган йирик халқаро ярмаркалар, бизнес-форум ва кооперацион биржаларда иштирок этиши, харидорлар топиши ва шартномалар тузишига кўмаклашмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойларида жамғарманинг молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий кўмаги орқали тадбиркорларимиз ўнга яқин халқаро кўргазмаларда қатнашди. Хитойда бўлиб ўтган халқаро ярмарка ана шулардан бири.

Миллий колорит билан безатилган Ўзбекистон павильони ўзига хос дизайни ва кенг ассортименти билан кўргазма иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Тадбиркорларимиз таклиф этган маҳсулот ва хизматларнинг юқори сифати, рақобатбардошлиги харидорларга маъқул бўлди.

"Western China International Fair 2016" халқаро ярмаркаси мамлакатимиз тадбиркорлари учун чет эллик ишбилармонлар билан янги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмини оширишга янги имкониятлар яратди. Ярмарка доирасида умумий қиймати 1,1 миллион АҚШ долларига тенг экспорт шартномалари имзоланди. Қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича кўплаб келишувларга эришилди.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзА мухбири

4 декабрь — сайлов куни

БАРКАМОЛ АВЛОД – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

Саноқли кунлардан сўнг бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кетмоқда. Республикамизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари шаҳар ва туманларда сайловчилар билан учрашмоқдалар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Тошкент шаҳридаги ишончли вакили – Тошкент Давлат юридик университети доценти, юридик фанлари доктори Феруза Муҳиддинованинг навбатдаги учрашуви Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида бўлиб ўтди.

Учрашувда турли соҳа вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, институт профессор-ўқитувчи, талабалари, маҳаллалар фуқаролари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни ЎзДЖТИ маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Н.Гаффоров олиб борди. У кириш сўзида Ўзбекистонда муҳим сиёсий жараён – 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов, унда барча фуқароларнинг, хусусан, институт профессор-ўқитувчилари, ходим ва талабаларининг фаол иштирок этишлари кераклиги ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг, ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман Кенгаши раиси Д.Якубова Президентликка номзод Сарвар Отамуратовнинг таржимаи ҳоли билан сайловчиларни таништирди.

Ишончли вакил номзоднинг етти йўналишдан иборат сайловолди дастурининг асосий йўналишларига тўхталиб, белгиланган вазифаларнинг муҳим жиҳатларини мисоллар ёрдамида иштирокчиларга тушунтириб ўтди.

Жумладан, маънавий-маърифий соҳада номзоднинг "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ" тамойили асосида тарихни холис ва тизимли ўрганиш борасида амалга оширилиши керак бўлган масалалар, сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳасида миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимиз асносида ёш авлоднинг сиёсий онгини ошириш, иқтисодиёт соҳасида "Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши – иқтисодий ислоҳотларнинг негизидир" шиори остида миллий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳада эрта турмуш ва эрта туғруқнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини кучайтириш, ахборот соҳасида ёшларни креатив ахборот муҳити билан таъминлаш, самарали ахборот таълимини ташкил этиш, ахборот хавфсизлигини ҳал этиш, спорт соҳасида миллий курашни Олимпиада спорт мусобақалари дастурига киритиш, ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистоннинг ҳар қандай сиёсий-ҳарбий блокларга қўшилмаслиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон ички сиёсатига аралашувига йўл қўймаслик каби бир қатор масалаларни илгари сураётгани айтиб ўтилди.

Учрашувда ЎзДЖТИ катта ўқитувчиси Ш.Жумақулов сўзга чиқиб, номзоднинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаб, айниқса ундаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифаларнинг долзарб эканлигига йиғилганлар эътиборини қаратди. Номзод томонидан таклиф этилаётган "Дунёда ҳеч бир нарса мамлакатни, миллатни спортчалик дунёга тез танитмайди, машҳур қила олмайди" тамойили асосида спортнинг барча турлари, айниқса, Олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган ҳамда миллий турларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бош вазифалардан бири сифатида белгиланганлиги диққатга сазовордир. "Фарзандлари соғлом ва баркамол юрт – қудратли бўлур" шиори остида мамлакатимизда кенг қулоч ёйган ва умуммиллий вазифага айланган болалар спортини ривожлантириш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларига янада кенгроқ жалб этиш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда қатнашишига кўмаклашиш ҳақиқатан ҳам долзарб масалалардир. Энг асосийси, номзод илгари сураётган ғоя – бугун дунёнинг 130 га яқин мамлакатида кураш федерациялари ташкил этилганлигини ҳисобга олиб, миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш мақсадида Халқаро кураш федерацияси, Халқаро ва Миллий олимпия қўмитаси билан алоқани ҳар тарафлама мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади, дея сайловчиларни номзод учун овоз беришга чақирди.

Ишончли вакил маърузасидан келиб чиққан ҳолда фуқаро Н.Раҳматова номзод ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, номзод томонидан илгари сурилаётган ғоя "Халқи соғлом ва баркамол юрт давлати кучлидир!" тамойилига асосланганлиги, аҳоли турмуш сифати, даражаси ва фаровонлигини ошириш, бугун бутун дунёда долзарб аҳамият касб этаётган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Давлат дастурини қабул қилиш ва унда аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш, шу билан бирга, аҳолининг овқатланиш маданиятини юксалтиришга қаратилган эътибор барчамиз учун муҳим масала ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, дастурдан ўрин олган вазифалардан бири, жамиятда аёлларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи сиёсий етакчилар мактаби тармоғини яратиш, давлат бошқаруви ишида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш ҳақидаги таклиф менда номзоднинг дастурига нисбатан катта қизиқиш уйғотди, деб алоҳида қайд этди.

Фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган ушбу тадбирда ишончли вакил ва партия фаоллари сайловчиларни Сарвар Отамуратов номзодини ёқлаб овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда сайлов жараёнларининг аҳамияти беқиёс. Ҳар бир давлат сайловларнинг адолатли ва холисона ўтишига алоҳида эътибор беради ва сайлов жараёнларининг мазмунига қараб унга баҳо берилади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда демократик принципларга асосланган сайлов тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги миллий қадриятларимиз ва давлатчилик тарихимиз асосида, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ, эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Айни кунларда мамлакатимизда 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови олдидан мамлакатимиз сиёсий майдонида номзодлар ўртасида кўпроқ сайловчилар овозига эга бўлиш юзасидан кураш қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашиб, ўз сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини етказмоқдалар.

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг ишончли вакили — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори Абдуҳаким Ходжибаев Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент Молия институти, Олмазор туманидаги "Аҳил" маҳалла фуқаролар йиғини, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Ёшлар ижодиёти саройи каби бир қанча ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда қизғин фикр-мулоҳазага бой бўлган учрашувларни ўтказди.

Сайловчиларнинг ғоятда фаоллигида ўтган учрашувларда ишончли вакил уларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан яқиндан таништирди.

Жумладан, дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожи йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган, — деди ишончли вакил.

Шунингдек, дастурда маънавий-маърифий соҳада энг муҳим ва долзарб вазифа – юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, фарзандларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, бу вазифаларни амалга оширишда асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримиз, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянилиши ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтириш каби муҳим масалалар ҳам ўрин олган. Яна бу борадаги сиёсат янги қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун талаблари асосида қатъий давом эттирилиши таъкидланган.

Дастурда шу билан бирга 2017–2021 йилларда олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш ҳам кўзда тутилган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшлар интиладиган, уларнинг қобилият ва иқтидорини рўёбга чиқарадиган ва манфаатларини ҳақиқий ҳимоя қиладиган ташкилотга айланиши зарурлиги, бу борада алоҳида эътибор уюшмаган ёшлар билан ишлаш ва уларни ташкилот фаолиятига жалб этишга қаратилиши лозимлиги, шунингдек, Тошкент шаҳрининг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этиш, яшил майдон ва ҳудудларни янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва замонавий хизмат турлари, маданий-маиший объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган тезюрар метро йўналишларини қуриш масалаларига устувор аҳамият қаратилган.

Учрашувларда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, тарих фанлари доктори Д.Бобожонова, тадбиркор А.Муксинов, "Учтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Илҳомов, "Комтек" МЧЖ директори Л.Йўлдошев ва бошқалар сўз олиб, номзоднинг дастурида белгиланган вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Дастурда илгари сурилган устувор вазифалар мамлакатимизнинг келгуси тараққиётига муҳим асос бўлишини қайд этиб ўтдилар.

Учрашувларда номзоднинг ишончли вакили сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод — Шавкат Мирзиёевга овоз беришга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Бухоро ҳамда Самарқанд вилоятларида "Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури" доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги" мавзусида семинарлар ўтказилди.

Жумладан Тошкент шаҳрида ҳам бу каби семинарлар ташкил этилди. Ана шундай тадбирлардан бири "General Motors Powertrain Uzbekistan" масъулияти чекланган жамиятида "Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича 2015-2016 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар дастури" доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги" мавзусида семинар ўтказилди. Унда пойтахтдаги 60 дан ортиқ корхона иш берувчилари, техник хавфсизлик муҳандислари, касаба уюшма ташкилотлари раислари иштирок этдилар.

Ушбу семинарда Тошкент шаҳар меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси, "Саноатгеоконтехназорат" Давлат инспекцияси кимё, металлургия ва нефть-газни қайта ишлаш саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Давлат санитария эпидемиология назорат маркази, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ўздавэнергоназорат" инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими масъул ходимлари соҳадаги янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақида батафсил тушунчалар бердилар.

Семинарда Металлургия ва машинасозлик ходимлари Республика Кенгаши бош мутахассиси М.Сагдуллаев сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Семинарда касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича видеоролик намойиш этилди.

Семинар Дастурига асосан "General Motors Powertrain Uzbekistan" масъулияти чекланган жамияти, цех, участка бошлиқлари корхона фаолияти билан иштирокчиларни яқиндан таништирдилар, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари юзасидан бевосита цехларда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тушунчалар бердилар.

Равшанхон МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири



ОМИРСОЛТОВ (ЎзА) олган сурат

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

АЁЛЛАР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФОРУМИ

Пойтахтимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган "Аёллар жамоат ташкилотлари Форуми" бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган мазкур форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасадди раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.Нурматова, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар юртимизда хотин-қизларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг мавқеини ошириш, муносиб турмуш шароитларини яратишга оид эзгу ишлар ва ташаббуслар изчил давом эттирилаётганини таъкидлади.

Ўз атрофида 44 мингга яқин бошланғич жамоат тузилмасини бирлаштирган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ёшлар маънавиятини юксалтиришга, аёлларнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимларини оширишга, миллатимиз эртаси бўлган қизларнинг соғлигини мустаҳкамлашга, оилалар тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, ўқув муассасаларида тарбиявий ишларни таҳлил этиб боришга катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Саломатлик" секторлари ишини янада яхшилаш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришга доир штаблар фаолиятини мувофиқлаштириш, қизлар ўртасида маънавий, тарбиявий ва ахлоқий ишларни такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Жумладан, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ўрни, улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ижтимоий шериклиги каби масалалар муҳокама этилди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар судининг 05.05.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 17-уй, 50-хонадон манзилида умумий майдони 58,62 кв.м., бошланғич баҳоси: 120 000 000 сўм бўлган турар жой.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2016 йил 30 декабрь кунидаги аукцион савдоси учун 28 декабрь 2016 йил соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.

Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва кадастр бошқармаси томонидан Уразов Урал Жамолович номига берилган Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Гулимаъмур кўчаси, 2-уй, 13-хонадонга тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректорати, меҳнат жамоаси амбулатория тиббиёти, нур ташхиси ва терапияси кафедрасининг доценти Гулнора Акмаловна Юсупалиевнага волидаи муҳтарамаси

ЗУМРАД аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари



Т.МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат

ГИМНАСТИКА БАРЧА УЧУН

Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси қошидаги яккакураш турлари бўйича болалар ва ўсмирлар спорт мактабида "Гимнастика барча учун" шиори остида қизлар ва уй бекалари ўртасида мусобақа ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятидан 350 га яқин иштирокчи ғолиблик учун баҳс олиб борди.

Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш оилаларда соғлом муҳит шаклланишига, қизларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Айниқса, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасида спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизлар сафи муттасил кенгайиб бораётир.

Мамлакатимизда қизларни спортга жалб этиш кўрсаткичи 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда қизларнинг 47 фоизи, қишлоқларда 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Қизларни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида мураббиялар тайёрлаш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин, замонавий рақс ва фитнес машғулотларини ўзида бирлаштирган гимнастрада тобора оммалашмоқда. Ушбу спорт тури бўйича мусобақаларнинг мунтазам ташкил қилинаётгани бунда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бу жиҳатлар "Гимнастика барча учун" анъанавий мусобақасида ҳам ўз ифодасини топди. Мусобақа иштирокчилари орасида гимнастрада билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар билан бирга мактаб ўқувчилари, уй бекалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам борлиги мамлакатимизда спорт аҳолининг барча қатлами ўртасида кенг оммалашаётганидан далолатдир.

Мусобақада жамоалар тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди.

Бекобод шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

ТЕННИСЧИМИЗ БОШ СОВРИНГА ЯҚИНЛАШДИ

Қозоғистонда ёш теннисчилар ўртасида ўтказилаётган халқаро теннис турнирида ҳамюртимиз Лайло Баҳодирова бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Яккаликлар ўртасида иккинчи рақамда сараланган Лайло Баҳодирова чорак финал учрашувида россиялик Алёна Никишина билан рақобатлашди. Беллашувда рақибидан ҳар жиҳатдан устунлигини намойиш этган ҳамюртимиз икки сет якунига кўра 6:0, 6:3 ҳисобида тезкор ғалабага эришди.

Жуфтлик беллашувларида Лайло Баҳодирова ва Милана Масленкова Россия вакиллари — Александра Миронова ҳамда Алёна Никишина дуэтидан 7:5, 6:0 ҳисобида устун келди ва финалга чиқди.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ БАҲСЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" спорт мажмуасида дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари ўтказилди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон дзюдо федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада 500 нафарга яқин ёш полвонлар 14 вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

Мусобақада Беҳруз Аминдавлатов, Муроджон Йўлдошев, Ҳикматулло Тўраев, Шарофиддин Болтабоев, Жасурбек Шукуров, Сардор Шовриқов, Ихтиёр Холмуродов, Муқаддас Кубаева, Шаҳноза Омонова, Дилдора Шерматова, Гулноза Зиёева, Умида Саидова, Кумуш Йўлдошева, Дильяра Бердиева ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгаллади.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Санкт-Петербургда бокс бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати беллашувларига старт берилди.

Маълум қилинишича, мазкур дунё биринчилигида жаҳоннинг 110 давлатидан 500 нафар ёш боксчилар ғолиблик учун рингга кўтарилади.

Турнирнинг очилиш маросимидан сўнг илк саралаш жангларига старт берилди. Дастлабки жангларда 49 килограммгача ва 91 килограммдан юқори вазн тоифасидаги боксчилар рингга кўтарилди. Мазкур вазн тоифаларида юртимиз шарафини Нуржан Сериков (49 кг) ва Абдулла Худорганов (91 кг) ҳимоя қиладилар.

Таъкидлаш жоизки, бу галги жаҳон чемпионати — "AIBA Youth World Boxing Championship" йигирманчи марта ўтказилмоқда. Шунингдек, Халқаро ассоциация ташкил этилганлигининг 70 йиллиги ҳам нишонланмоқда.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 5 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани СИБ томонидан 26.07.2016 йилдаги № 31840/10-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган:

1.1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/278 ТСА бўлган "Камаз 5320" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 815 375 сўм.

2. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/273 ТСА бўлган "Зил 431014" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 095 761 сўм.

3. 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/280 ТСА бўлган "Маз 54331" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 726 616 сўм.

4. 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/281 ТСА бўлган "Зил 4415" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 871 200 сўм.

5. 04.12.2012 йилдаги № 23696/10-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/143 РВА бўлган "Камаз 5410" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 230 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани СИБ томонидан 17.10.2016 йилдаги № 10-1618/18144-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган:

1.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/024 ТТС бўлган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 626 113 сўм.

2.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/091 ТТС бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 106 365 сўм.

3.2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/090 ТТС бўлган "Нексия Сонс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 286 375 сўм.

4.2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/051 ТТА бўлган "Нексия S 150 ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 30 627 000 сўм.

5.2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/801 ТТВ бўлган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 32 050 085 сўм.

6. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/110 ТТС булган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 255 254 сўм.

7. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/152 ТТС бўлган "Нексия Донс ГБА СПГ" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 31 106 365 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мол мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 5 январь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 3 январь соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ЖИБ Тошкент вилоят судининг 20.07.2015 йилдаги 2-285-30М-14-сонли ижро варақасига асосан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан хатланган қуйидаги мулклар чиқарилмоқда:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй А1-блокда жойлашган бинонинг умумий майдони 854,0 кв.метр, фойдали майдони 674,99 кв.метр, 2 қаватли "Ижтимоий маданий ва маиший хизмат кўрсатиш" биноси. **Бошланғич баҳоси – 2 485 215 230 сўм.**

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 91/1-уй А2-блокда жойлашган бинонинг умумий майдони 701,0 кв.метр, фойдали майдони 518,69 кв.метр, 2 қаватли "Ижтимоий маданий ва маиший хизмат кўрсатиш" биноси. **Бошланғич баҳоси – 2 040 296 685 сўм.**

Савдога чиқарилган мулклар билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул килинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчисининг АТБ "INFINbank"даги МФО:01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва аризага билан қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ (БЎШ) БЎЛГАН ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1	Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 242-уй

Малакавий талаблар:

Олий маълумот (маданият ва спорт, санъат ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида таълим йўналишларидан камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот), педагогик иш стажи ёки таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчи вазифасидан кам эмас. Илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажи талаб этилмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқарма бошлиғи номига ариза;
2. Сўровнома (справка-объективка);
3. Таржимаи ҳол;
4. Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
6. Паспорт (нусхаси);
7. Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусҳалари;
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.



"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали бошланғич баҳоси босқичма босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг 27.11.2015 йилдаги 38-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (Олимбекова) кўчаси, 18-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 280 кв.м., кўчмас мулк тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 702 346 204 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 16 декабрь куни соат 12:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 14 декабрь куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000204920609019 ҳ/р га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0371) 236-38-28. www.1kms.uz.

Лицензия RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 12-14 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 декабрь** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 15.15

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ